

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 18 март, № 55 (7835)

Пайшанба

Сайтимида ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

17 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида икки мамлакат етакчилари яқинлашиб келаётган баҳорий айём — Наврўз муносабати билан бир-бирини самимий кутлаб, қардош халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, савдо соҳасида-

ги қўшма лойиҳаларни илгари суриш, саноат кооперациясини кучайтириш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Туркий кенгашининг бўлажак саммитига тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мулоқот ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 март куни Россия Федерациясининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденевни мамлакатимиздаги дипломатик миссияси якунлангани муносабати билан қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Россиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонасига 11 йилдан ортиқ вақт мобайнида раҳбарлик қилиб келаётган элчи Владимир Тюрденевнинг икки томонлама дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустақамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Элчининг фаол иштироки ва кўмағида турли даражада тизимли мулоқот ва самарали алоқалар йўлга қўйилгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий соҳада сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан,

кейинги йилларда ўзаро савдо ҳамжи ошди, йирик инвестиция лойиҳалари илгари сурилди ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ва ишбилармон доираларининг иқтисодий-нинг устувор тармоқларидаги кооперацияси кучайди.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий-гуманитар алмашинув борасида муҳим дастурлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Россия етакчи олий таълим муассасаларининг 12 та филиали фаолият қилмоқда.

Урашув якунида Ўзбекистон Президенти Россия элчисини давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва

ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро англашувни мустақамлашдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлади.

Владимир Тюрденев унинг дипломатик фаолиятига беариж юрак баҳо, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ВА МОНОПОЛ ТОВАРЛАРНИ СОТИШ ЖАРАЁНЛАРИГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда товарларни сотиш жараёنларига бозор тамойилларининг фаол жорий қилиниши яшарин иқтисодийнинг қисқаришига, ишлаб чиқарувчиларнинг махсулотларига ҳақиқий нархларнинг шаклланишига ва солиқ базасининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, биржа савдоларида "форвард" шартномаларининг жорий қилиниши иқтисодий аҳамиятга эга асосий махсулотлар нарх-наволари кескин ўсишдан ҳимояланиш, бозорда талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг бўш маблағларидан самарали фойдаланиш имконини яратди.

Шу билан бирга, биржа савдоларида фаол иштирок этаётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва юқори ликвидли ёки монопол товарларни сотиш амалиётига бозор механизмларини кенг қўллашни давом эттириш, биржа савдоларида замонавий товар деривативларини, шу жумладан, фьючерс шартномаларини жорий этиш бугунги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Ноҳалол тадбиркорлик субъектлари томонидан ички бозорда юқори ликвидли ва монопол махсулотларнинг нархларини сунъий оширишга, танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга йўл қўймаслик, тақсимлаш тизими элементларини тугатиш ҳамда биржа савдоларини янада фаоллаштириш мақсадида:

1. **2021 йил 15 июндан бошлаб** шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ қуйидаги товарлар ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида реализация қилинади:

а) монополист корхоналар ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахс, устав фонди (капитали)нинг 50 фоиз ва ундан ортиги устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс (кейинги ўринларда — монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар) томонидан ишлаб чиқарилган:

полвинилхлорид (ПВХ) ва формалин — барча харидорларга; **истеъмол этил спирти** — ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тегишли лицензия ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларга;

техник этил спирти — барча харидорларга; **кумуш** — зарғарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга; **б) 2022 йил 1 январга қадар** монополист бўлмаган ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ёки давлат улуши маъжуд бўлмаган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилган:

цемент — ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 50 фоизи; пахтадан олинган **чигит, пахта мойи** (жумладан, экстракция пахта мойи) **ва қайта ишланган чигит чиқиндилари** (шрот, шелуха) — ишлаб чиқариш ҳажмининг 100 фоизи;

в) ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қазиб олувчи (газни қайта ишловчи, ишлаб чиқарувчи) ташкилотлар томонидан нефть ва газ конденсати — тегишли лицензия ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларга.

2. Белгилан қўйилсинки, товар-хонаш ёки биржаларнинг хоржиди савдо майдонларида тузилган битимлари бўйича товарларнинг божхона қийматини аниқлаш фақат мазкур битимларда белгиланган қиймат бўйича амалга оширилади.

Давлат божхона қўмитаси "Ўзбекистон республика товар-хонаш биржаси" АЖ билан биргаликда **икки ой мuddатда** мазкур банднинг ижросини таъминлаш учун ўзаро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари интеграциясини ҳамда маълумот алмашинуви йўлга қўйсин.

3. Монополияга қарши курашиш қўмитасига ички бозорда нархларнинг сунъий равишда ошиб кетиши ва бозордаги бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, зарур ҳолларда: биржа савдоларининг бир савдо сессиясида бир харидор томонидан харид қилинадиган махсулот ҳажмларининг максимал микдорини (лимитини) белгиллаш ҳамда талаб ва таклифдан келиб чиқиб, ушбу ҳажмларга ўзгартириш киритиш;

(Давоми 2-бетда).

Халқ билан мулоқот

ҲУДУДЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИБОРДА

Хабар берилганидек, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева хизмат сафари билан Сирдарё вилоятида бўлиб турибди.

Сенат Раиси Сирдарё вилоятига таширфининг иккинчи кунинда Мирзаобод ва Оқолтин туманларида бўлди.

Дастлаб Мирзаобод туманидаги Янги Ўзбекистон маҳалласида ташкил этилган тивук цехи фаолияти билан танишилди.

Ушбу корхона Сардоба сув омборида юз берган техноген ҳодиса оқибатларини тугатиш доирасида бунёд қилинган ва янги ташкил этилган мазкур маҳалладаги кўп қаватли тураржойлардан бири — 10-уй ертўла қисмида очилди. Айтиш жоизки, қурилиш лойиҳаси бўйича тураржойлар тагида бунёд этилган ана шундай кенг ва шина майдонлар бугунги кунда ҳар бир хонадонга алоҳида омборхона бўлиши баробарида ишлаб чиқариш объекти сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Цехнинг иш жадалли уч маҳалли. Унинг ҳар бирида 50 нафардан хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Яъни жами 150 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Яна бир эътиборли жиҳати, корхона чеварларининг аксарияти "аёллар дафтари"га киритилганлардан иборат.

Юқори палата Раиси бу ерда ишлаётган аёллар билан сўхбатлашди, уларнинг меҳнат, дам олиш, овқатланиш ва оилавий шароитлари билан кўзиди.

Шу тумanning Ҳақиқат маҳалласидаги аввал умумий ётоқхона шаклида бўлган бино тубдан таъмирланган, кироий тураржойга айланди. Натижада уйга ўта эҳтиёжманд 26 та оила шу бинога қўчиб кирди. Ҳовлиси ҳам ободонлаштирилиб, тандирхона ҳам қуриб берилди. Сенат Раиси шу уйда яшовчи Саломат Абдуллаеванинг хонадонига кириб, оилавий шароити билан танишди.

Навбатдаги манзил — Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласида Маҳалла ва оила кўлаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Корея ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) иштирокида "Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатлами кўлаб-қувватлаш дастури" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Қасб-хунарга ўқитиш маркази" бўлди.

➡

Фармон ва ижро

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ БОШЧИЛИГИДАГИ БИР ГУРУҲ ДЕПУТАТЛАР АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Андижон вилоятининг Андижон шаҳри ҳамда Қўрғонтепа туманида янги тиббий профилактика ва патронаж тизимини устувор равишда жорий қилиш белгиланган.

Шу йилнинг 16-17 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар томонидан ушбу Фармоннинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Андижон шаҳри ва Қўрғонтепа туманида ўрганиш ўтказилди.

Мазкур жараёнда асосий эътибор бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали

тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий этиш борасида мазкур ҳудудларда амалга ошириб келинаётган ишлар билан танишиш ҳамда таҳлил қилишга қаратилди.

Парламент аъзолари 16 март куни Қўрғонтепа тумани марказий кўп тармоқли поликлиникасида бўлиб, мазкур тиббиёт муассасасида аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

➡

Халқаро конференция

МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Кеча Олий Мажлис Сенати ҳамда Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда "Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда молия бозорининг роли: ҳуқуқий ва институционал тўсиқлар" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро анжуманда парламент аъзолари, Президент Администрацияси, Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, халқ-

аро молия институтлари, етакчи маҳаллий компаниялар вакиллари, инвестиция воситачилари, БМТТД,

USAID, хорижий молия бозорлари регуляторлари, АҚШ ҳамда Буюк Британия элчи-хоналари ва бошқа дипломатик ваколатхоналар ходимлари қатнашди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева иштирокчиларга видеоурожаат йўллаб, мамлакатимиз молия бозори ривожига

тўсиқлик қилаётган муаммоларни бартараф этишда қонунчилик ва институционал асосларни тақомиллаштиришга оид вазибаларни белгиллаш — халқаро конференция олдидаги долзарб масалалардан эканини таъкидлади.

➡

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ЎЗЛАРИ ИСТАГАН ВАКЦИНАНИ ОЛИШИ МУМКИН

Мамлакатимизга COVAX механизми доирасида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган коронавирусга қарши "AstraZeneca" вакцинасининг 660 минг дозадан иборат дастлабки партияси етиб келди. Мазкур эмлаш воситасини Ўзбекистонга бегараз тарзда олиб келишда ЮНИСЕФ асосий етакчи берувчи ҳисобланади. Ушбу тузилма кўмағида бугунги кунда жами 100 га яқин мамлакатлар вакцинага эга бўлмоқда. Ўзбекистон минтақадаги дастлабки шундай давлат экани алоҳида эътиборга лойиқ.



Видеолавҳада кўринг



Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиология оқолининг ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан мамлакатимизда коронавирус билан

боғлиқ вазият, вакцинация жараёнларига тайёргарлик юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.


Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг мамлака-

тимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистонда вакцинация жараёнини самарали ташкил этиш билан боғлиқ саволларга батафсил жавоб берилди.

➡

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ



Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Айниқса, бу сана шоир яшаган хонадонда катта тантана билан қутиб олинади. Халқ шоирининг яқинлари, оила аъзолари қувончига шерик бўлиш, ижодкорни хотирлаш, юбилей тадбирларига тайёргарлик жараёнларини кузатиш мақсадида ушбу уйда меҳмон бўлди.

Шу аснода шоирнинг турмуш ўртоғи Ҳанифа МУСТАФОЕВА билан Абдулла Орипов олами, ҳаёт ва ижод йўли ҳақида сўхбатлашдик.

Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига

ота, аёли учун суянч бўла оладиган умр йўлдоши, сингиллари учун меҳрибон ака, акалари учун куюнчак ука, ота-онаси учун эса муносиб ўғил... Абдулла ака ҳаётда ҳамма нарчанинг меъёрида бўлишни яхши кўрарди, ортиқча ҳашамати, ортиқча мулозаматни унча ёқтирмасди. Ҳамма нарсанинг табиий бўлишини хоҳларди. Ёлғонни ёмон кўрарди, шоир "Менга хушхабар айт, ёлғон бўлса ҳам...", деб бежиз ёзмаган.

Эмон хабарни ҳеч ёқтирмасди. Абдулла аканинг бутун хаёлини, қалбини банд этган, уларга илҳом, руҳ ва куч берадигани бу ўзбек халқи эди. Элим деб яшайди, юртим деб куюнди ҳаммаша. Уйларига энди келин бўлган пайтларимда "Халқим нега мустақилмас, нега озод яшамаслигимиз керак?" дея ўқинишларидан, азоблишларидан ҳайрон қолардим. Абдулла аканинг ҳаётидаги, 76 йиллик умри давомидаги энг хурсанд бўлган куни мамлакатимиз истиқлолга эришган кундир. Турри, ба-рибир оила, турмуш ташвишлари

одамга таъсир қилади, лекин Абдулла ака ўз қарорларида ҳаммаша мўқим туроларди, бу қарор — адабиёт-дир. Абдулла аканинг адабиёти ҳам, шеърини ҳам халқи билан, Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ташвиши ҳам, дарди ҳам бутунлигича халқка эди. Ватанимизнинг мустақилликка эришиши шоирга янгича руҳ, кўтаринки кайфият, ғайрат-шижоат бахш этди. Табиийки, бу ижодига ҳам кўчиб, шеърларида озод ва хур яшашдек буюк бахтни асраб-авайлаш, унинг хоҳиятини, аҳамиятини

англаш ҳамда ўқувчига ҳам англиш асосий мезонлардан бирига айлан-ди. Эл-юрт учун ўзини аямади. Уша пайтларда Мустақиллик, Наврўз байрамларини ташкиллаштиришда, ҳатто ухламасдан тун бўйи ишлаб чиқарди. Тадбирлар сценарийларини ёзар, гоҳ Дўрмонга шоири ёзувчиларни йиғиб, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббусларини ўргана, гоҳ ташкилотчилар билан бирга байрамлар ўтадиган жойларни кўздан кечиради.

➡

— Биз Абдулла Ориповни бир даҳо ижодкор сифатида биламиз. Бу зот оддий инсон сифатида қандай эди?

— Абдулла Орипов ҳамма қатори оддий одам эди — фарзандлари учун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

**ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ВА МОНОПОЛ ТОВАРЛАРНИ СОТИШ ЖАРАЁНЛАРИГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юқори ликвидли, шу жумладан мавсумийлик талабдан келиб чиққан ҳолда талаб ошадиган товарларни фақат товар-хомашё биржалари орқали сотиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий шаклдан катта назар, ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар қирғишчи ваколати берилсин.

Бунда ушбу кўрсатмалар берилган ташкилотларга ҳамда мазкур қарорнинг 1-банди "б" ва "в" қичиқ бандларида назарда тутилган ташкилотларга биржа савдоларида юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни сотиш тартиби тўғрисидаги низо талаблари ҳамда рақобат тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган биржа савдоларида доир монополияга қарши талаблар қўлланилади.

4. Монополияга қарши курашиш қўмитаси мунтазам равишда талаб юқори бўлган, шу жумладан мавсумийлик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талаб ошадиган товарлар бўйича тахлил ўтказиб, уларнинг биржа савдоларида қўйиб борилишини таъминласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра:

2022 йил 1 январдан бошлаб пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперациялар томонидан пахтадан олинган чигитини тайёр маҳсулотни қайтариш шарти асосида ёғ-мой ташкилотларига бериш фақат бир пахта-тўқимачилик кластери доирасидаги ташкилотлар ўртасида амалга оширилади;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан биржа савдоларида сотилаётган маҳсулотларни автотранспортда ташиш хизматлари фақат электрон логистика савдо портали орқали аукцион тартибда амалга оширилади. Бунда, электрон логистика савдо портали орқали ташиш хизматлари:

харидорларнинг ўз автотранспортда амалга оширилган тақдирда рўйхатга қўйиш;

харидорларга аффилиланган ташиш хизматини кўрсатувчи қорхоналар томонидан эса тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

6. Товар-хомашё биржалари фаолиятига илгор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси, "Узсаноткурилиш-материаллари" уюшмаси, "Ўзмаҳсумонтажурилиш" АК, "Ўзметкомбинат" АЖ ҳамда "Тошкент металлургия заводи" МЧЖ билан биргаликда иштирокчилар ойна ҳамда плўт лист ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш чораларини кўриш ҳамда мазкур товарларни биржа савдоларида қўйиш ҳажмларини оширишга қаратилган чораларни амалга ошириб бурсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси товар-хомашё биржалари би-

лан биргаликда бир ой мuddатда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг ёритиш ва тарғиб қилишга қаратилган медиа-режани тасдиқла-син ва унинг ижросини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорла-рига 2-иловага мувофиқ ўзгариштириш ва қўшимча киритилсин.

10. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқа манфаат-дор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddат-да** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақ-лифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъ-ул ва жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқ-лаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 17 март

**«Халқ сўзи» учун махсус
АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ
НАВРЎЗ БАЙРАМИГА
БАҒИШЛАНГАН ОНЛАЙН
ТАДБИРДА ҚАТНАШАДИ**

Ўзбекистон элчихонаси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари, Афғонистон ва Озарбайжон дипломатик ваколатхоналари "Оқсус жамоати" таҳлилий маркази ва "Меридиан" халқаро маркази кўмағида 19 март кун Наврўз байрамига бағишланган онлайн тадбир ўтказилди.

Тадбирда АҚШнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, илмий доиралари, хорижий дипломатик корпус ва медиа-жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Байрамнинг асосий меҳмони АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкен бўлиш кутилмоқда. Ташкилотчилар сўзларига қўра, у табрик нўтқи билан иштирок этади.

Бундан ташқари, анжуманда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Ташқи алоқалар қўмитаси раиси Грегори Микс, Миллий гвардия бюроси раҳбарининг ўринбосари генерал-лейтенант Марк Сассилль, савдо-саноат палаталари раҳбарлари Марказий Осиё, Афғонистон ва Озар-

**ҲУДУДЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ ИСЛОХОТЛАР
ЭЪТИБОРДА**

Бундан бир неча ой олдин очилган ушбу марказ ҳудуддаги доимий иш билан банд бўлмаган фуқаролар учун кенг имкониятлар яратди. Бу ерда ишсиз аёллар ва ёшлар бир вақтнинг ўзига пазаңдалиқ, тивувчилик, компьютер саводхонлиги мутахассисликлари бўйича профессионал даражада ўқитилади. Асосий мақсад — уларни аниқ даромад манбалари билан таъминлаш, тадбиркорлик йўналишидаги фаолликни янада оширишга қаратилади. Марказда аҳоли тақлифлари ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий талаблари асосида бошқа йўналишлар бўйича ҳам махсус ўқув курсларини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Шу куннинг ўзига Танзила Норбоева туман ҳокимлиги бизнесида халқ депутатлари Оқолтин тумани Кенгаши депутатлари ва хотин-қизлар билан учради. Маҳаллий Кенгаш фаолиятини тақомиллаштириш, халқ вакиллари фаолиятини ошириш, шунингдек, бошқа долзарб масалалар бўйича ўз тавсияларини берди. Мулоқот чоғида депутатлик сўрови, жамоатчилик назоратини қўлайитириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ҳамхўрлик кўрсатиш ва



бошқа масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, иштирокчиларнинг тақлиф ҳамда талқинлари эшитилди. Учрашув доирасида халқ депутатлари туман Кенгаши котиби-яига яратилган иш шароити ва унинг фаолияти, хусусан, ҳужжат юритиш амалиёти билан ҳам танишилди.

Сенат Раиси тумanning Андижон маҳалласида ҳам бўлиб, у ерда қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ва муаммолари-рини ўрганди. Сўхрат давомида банд-

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
СПИКЕРИ БОШЧИЛИГИДАГИ
БИР ГУРУҲ ДЕПУТАТЛАР
АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА
ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА**

Ўрганиш доирасида депутатлар тиббиёт маъсасаларида аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида яратилган шароитларни янада яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дори-дармонлар билан таъминлашни, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўналишларида қилинаётган ишларни атрофда тахлил қилиш мақсадида тумандаги "Шо-шлинч тез тиббий ёрдам" бўлими, 1-сонли "Савой" оливайи шифокор пункти ҳамда 41-сонли умумтаълим мактабида ҳам бўлиши.

Шифокорлар, беморлар ҳамда фуқаролар билан юзма-юз мулоқотлар бўлиб ўтди. Сўхбатлар чоғида мамлакатимизда бирлашми тиббий-санитария ёрдамини ҳар томонла-ма мустаҳкамлаш, тиббий профи-лактика ва патронаж хизматининг мутлақо янги услубини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини

**ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ЎЗЛАРИ
ИСТАГАН ВАКЦИНАНИ ОЛИШИ МУМКИН**

— Ўзбекистонда коронавирусга қарши эмлаш Наврўз байрамидан кейин бошлангачи режалаштирилган, — дейди ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхо-раси раҳбари, доктор Лиан Купенс. — Бу ерга олиб келинаётган вақциналарнинг барчаси ЖССТ томо-нидан тасдиқланган. Ўзбе-кистон ҳукумати шу пайтга қадар қоронавирус билан самарали курашиб келмоқ-да. Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги томонидан нати-жадор тадбирлар амалга оширилди. Эмлаш восита-ларини қўлашда ЖССТ Ўзбекистонни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр.

Санитария-эпидемиология қўмитаси ҳамда жамоат саломатлиги хизмати раҳ-бари Баҳодир Юсуپлиев-нинг маълум қилишича, Ўзбекистон фуқаролари ўзлари истаган вакцинани олиши мумкин.

— Ҳар бир эмлаш восита-си тегишли 3 босқичли синовлардан муваффақият-ли ўтганидан сўнггина қўлашга тасвია этилади, — деди у. — Ўзбекистонда вақцина "AstraZeneca" вақцинаси ҳам тегишли синовлардан ўтган ва ЖССТ уни қўлаш бўйича тасвია қилган. Биз бир вақтинчи маъқуллаб, бошқасини рад этиш фикридан йироқмиқ. Шу боис юртимизда фақат "AstraZeneca" вақцинасидан-гина эмас, бошқа эмлаш воситаларидан ҳам фойда-ланиш режалаштирилган. "Спутник V" вақцинасидан 1 миллион доза олиб ке-лиш тўғрисида музоқаралар қилиб боришмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Хитой ҳамоҳлигида яратил-ган "ZF-UJ2-VAC 2001" вақ-цинамиз ҳам бор. Шунинг-

дек, Хитой эмлаш восита-ларини ҳам олиб келиш кўзда тутилган. Биз фуқа-роларимизни бирор вақци-нани олишга мажбурламай-миз. Улар ўзлари истаган вақцина билан эмланиши мумкин.

Анжуманда юртимизда карантин чораларининг қўлайитирилиши ҳақиқдаги саволларга ҳам аниқлик киритилди.

— Чеклов тадбирларининг қандай тартибда бўлиши ўзимизга боғлиқ, — дейди Санитария-эпи-демиология қўмитаси ва жамоат саломатлиги хизма-ти раҳбари ўринбосари Нурмат Отабеков. — Айтиш керакики, Ўзбекистонда ҳали карантин бекор қилинма-ган. Агар биз ниқобда бўлиш, ижтимоий масофа-ни сақлаш, антисептик воситалардан мунтазам фой-даланиш, аҳоли гавжум жойларга боришдан ўзи-мизни тийиш каби қоида-ларга қатъий амал қилсақ, касаллик тарқалишининг олдини олишга ҳисса қўша-миз. Шунда карантин тад-бирларининг кескинлаши-шига ҳеч қандай асос бўлмайди. Ёки аксинча... Тан олишимиз керак, биз ҳаддан ортиқ хотиржамлик-ка беришиб кетдик. Табиий-ки, бу вироуддан зарарлан-ган билан боғлиқ статистик рақамларнинг ортишида на-моён бўляпти.

Анжуманда карантин чо-раларининг қўлайитирили-шига доир бирорта янги ҳуж-жат қабул қилинмагани, фа-қатгина мавжуд талаблар устидан назоратни қўлайити-риш масаласи қўрилаётган-ини маълум қилинди.

Инобат АХАТОВА
(«Халқ сўзи»).



**МОЛИЯ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
БОРАСИДАГИ
ИШЛАР —
ПАРЛАМЕНТ
НАЗОРАТИДА**

Халқаро анжуман натижалари бўйича капитал бозорининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши, стратегик қорхоналарни акциядорлик жа-миятларига айлантириш, шу жумладан, тижорат банкла-рини ислоҳ қилиш жараён-лари ҳамда бошқа йўналиш-лар билан боғлиқ қўнчилик ҳужжатлари ижроси устидан Олий Мажлис пала-тларининг доимий мониторинг юритиш ва на-зорат олиб бориш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси:

— Бугун молия бозорини ривожлантириш борасидаги ислохотлар парламент назоратида. Мамлакатимиз иқтисо-диётида давлат иштирокчи янада қисқартириш, фонд бо-зорини ривожлантириш, соғлом рақобат муҳити ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратил-ган кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда.

Жумладан, ўтган икки йил-лик қисқа даврда мамлаката-миз тарихида ilk бор суве-рен халқаро облигациялар халқаро бозорларда миллий валюта — сўмда қўйлаштирил-ди. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатида ҳам 599 та акция-дорлик жамаиятининг номинал қиймат бўйича умумий миқдо-ри 149,5 триллион сўмга тенг акциялари чиқарилди.

Шунингдек, капитал бозори-ни ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясининг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни янада тақомиллаштириш иш-лари олиб боришмоқда.

Шунга қарамастан, капитал бозорини ривожлантиришда бир қатор муаммолар ва фой-даланилмаган имкониятлар ҳали-хануз мавжуд. Жумладан, мамлакатимизда фонд бозори йўналишлари қайта қўриб чи-қиш ва тегишли қўнчиликни, хусусийлаштириш тартибини тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Шўхрат ВАФОЕВ,
инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари:

— Капитал бозорини ривожлантириш бўғун Ўзбекистон учун сув ва ҳаводек зарур. Ка-питал бозори — бу, табиийки, ўзига хос механизм бўлиб, аҳоли ва жисмоний шахслар қўлидаги мавжуд маблағлар-нинг инвестицияларга айлани-шига олиб мураккаб жараён-дир. Бу инвестициялар эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Аҳолининг турмуш фаровонлигини яна-да яхшилашга хизмат қилади.

Миллий қимматбаҳо қоғоз-лар бозорининг қай даражада салоҳияти юксалгани ҳар қан-дай мамлакатда иқтисодий ўсишининг асосий индикатор-ларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий ўсишнинг юқори даражаси янги молиявий инструментлардан фойдаланиш

имкониятларини кенгайтиради. Бу эса иқтисодий ўсиш жара-ёнларини янада тезлаштири-ди. Шунинг билан олган ҳолда, мамлакатимизда қимматбаҳо қоғозлар бозорини қулай инвестицион муҳитни яратиш-га йўналиштириш долзарб вази-рлардан. Ўз навбатида, бу мавжуд қўнчиликни янада тақомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳам, бугунги анжуман бу борадаги халқаро тажрибани янада чуқур ўрганиш ва ўзимиз учун тегишли амалий ҳушоларни чиқаришга ёрдам бериши бил-лан эътиборга молик.

Муниссон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи»)
ёзиб олди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ, АВАЛО, ХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИЛИШИ ШАРТ, АКС ҲОЛДА...

Янги тахрирдаги Ер кодекси парламент куйи палатасида депутатлар, соҳа мутахассислари, экспертлар иштирокида қизгин муҳокама қилинаётган лойиҳалардан бири саналади. Сийсий партиялар фракцияларининг кунги кеча бўлиб ўтган йиғилишларида ушбу ҳужжат юзасидан атрофлича фикр алмашилди, тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди. Шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга оид бир қатор долзарб қонун лойиҳалари ҳам муфассал қўриб чиқилди.

Фракцияларда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидлаганидек, кодекс лойи-ҳаси 20 боб, 160 моддадан иборат бўлиб, унга қатор янги нормалар киритилмоқда. Хусусан, ер участкаларини хусусий мулк сифатида юритиш нормалари ўз аксини топаяпти. Ер фонди тоифалари амалда 8 та деб белгиланган бўлиб, биттаси бугунги кун талабига жавоб бермагани сабабли бекор қилинмоқда.

Шунингдек, лойиҳа ер участкаларини бериш ва сотиш масалалари ҳамда ер бериш мақсадларига қўра, уларни тоифа-лаш бўйича аниқ нормалар билан бойи-тиляпти. Энг муҳими, ҳужжатда ер участ-каларини давлат ва жамоат эхтиёжлари учун олиб қўйиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари, хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши каби масалалар ҳам эътиборга олинган.

Депутатлар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан ерга бўлган мулкчиликни таъминлаш бўйича ер муносабатларини

чоралар ҳамда чеклашлар, бундай вази-ятда жисмоний ва юридик шахслар, ман-сабдорларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятла-ри белгиланмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида ушбу қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Депутатлар Факултода вазиятлар ва-зирлиги вақтинчи ушбу қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглаб, лойиҳа жа-моатчилик муҳокамасига қўйилмаганига эътироз билдирилди. Маърузачи эса бунги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни пан-демия энг мураккаблашган даврга тўғри келгани билан изоҳлади.

— Ҳақиқатан ҳам, ушбу қонун лойиҳаси жуда муҳим. Ушбу қонун бўлгани учун пандемия даврида кўп мураккабликларга дуч келдик. Лекин сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонунлар, давлат раҳбари қарорлари ҳам, аввало, халқ муҳокама-сига қўйилиб, кейин қабул қилинмоқда. Шу маънода, ушбу қонун лойиҳаси ҳам, авва-ло, жамоатчилик муҳокамасидан ўткази-лиши лозим, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Шундан сўнг икки ўртада тортишув бош-ланди. Қонун ижодкорлари бугунги вази-ятни эътиборга олиб, лойиҳани биринчи ўқишда маъқуллашга сўраган бўлса, фрак-ция аъзолари лойиҳанинг халқ муҳокама-сига қўйилмай қабул қилиниши, бугунги ислохотларга зид эканини таъкидлади.

Икки соатлик тортишувлардан сўнг бир тўхтамага келинди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси самарали ва тезкор факултода чоралар қўлаш, фуқароларнинг қўнчий манфаатларини муҳофаза қилишдаги аҳамиятини эътиборга олиб, биринчи

ўқишдан кейин, халқ муҳокамасига қўйиш шарти билан концептуал жиҳатдан қўлаб-қувватлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-де-мократик партияси фракцияси аъзо-лари янги тахрирдаги Ер кодекси лойиҳа-сини дастлабки тарзда қўриб чиқди.

— Кодекс лойиҳаси, аввало, фракциялар муҳокамасидан ўтказилаётгани айти му-дао, — дейди фракция аъзоси Гулбахор Саидганиева. — Бинобарин, амалдаги ко-дексда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштириш механиз-лари тартибга солилмаганилиги, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкала-рини ажратишга очиклик ва шаффоқлик таъминланмагани, жумладан, фермер ҳўжа-ликларидан ташқари бошқа тадбиркорлик субъектларига ер ажратиш масаласи бел-гиланмагани жуда қўлаб сайловчиларнинг ўринли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Янги тахрирдаги Ер кодекси лойиҳасида юқоридаги камчиликлар бартараф этили-шига умид қилиамиз. Айти пайтда бизга тақдим этилган кодекс лойиҳасидаги ай-рим моддалар концептуал жиҳатдан қайта қўриб чиқилиши керак, деб ҳисоблайман.

Фракция аъзоси Дилмурод Исмоилов-нинг айтишича, кодекс лойиҳаси амалда ердан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ муаммоларни барта-раф этишга хизмат қилувчи моддалар бил-лан тўлдирилиши керак. Чунончи, ерлар-дан фойдаланиш учун ижарага беришда маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга тенг ҳуқуқлик тамойилини риоя қилиниши янги тахрирдаги кодексдан ўрин олиши керак. Туманлар ҳокимларининг махсус иқтисо-дий, кичик сановат ҳамда эркин туристик зоналарининг қатнашчиларига қишлоқ

публикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ер му-носабатларини тартибга солиш соҳаси-даги ваколатлари, асосан, ер участкала-рини фойдаланишга ёки ижарага бериш ёҳуд сотишдан иборат тарзда белгилан-моқда. Халқ депутатлари Кенгашларининг ер муносабатларини тартибга солиш со-ҳасидаги ваколатлари эса, асосан, ер участкаларини олиб қўйиш жараёнлари бил-лан боғлиқ бўлмоқда.

ЎзДП фракцияси аъзолари бу бора-даги меъёрларни яна бир бор тахлил-дан ўтказиш, кейинчилик амалиётда му-нозарали вазиятлар юзга келиши мум-кинлигини ҳам ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида тақлиф билдириди.

Депутат Мақсуда Ворисова масъулла-ри ер участкалари билан боғлиқ муноса-батлардаги чигал вазиятлардан мисоллар келтириб, кодекснинг янги тахририда улар-ни эътибордан четда қолдирамаслик керак, деган қатъий фикрни билдириди. "Мисол учун давлат тиббиёт ташкилоти ҳудудида-ги ер майдонларидан турли хил хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши ҳолатлари кузатиляпти. Айрим ҳокимлар давлат та-шкilotи тасарруфидида ерни тадбиркорга бериб юбораяпти, ҳатто баъзи ҳолларда қарор ҳам чиқарилмапти. Бундай ҳолатлар эртага муаммоларни қўлайитириш турган гап", дея таъкидлади депутат.

Фракциялар йиғилишларида қонун лойиҳаларини янада тақомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

